

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**НУРМАТОВ ОРИФЖОН ТОЛИБЖАНОВИЧ**

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА  
НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**08.00.08- Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

УДК: 657.6-051(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on economical  
sciences**

**Нурматов Орифжон Толибжанович**

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларида номоддий активлар ҳисоби ва  
аудитини такомиллаштириш масалалари..... 3

**Нурматов Орифжон Толибжанович**

Вопросы совершенствования учета и аудита нематериальных активов в  
процессах модернизации экономики ..... 29

**Nurmatov Orifjon Tolibjanovich**

The issues of accounting and audit of intangible assets in the process of the  
economy modernization ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 59

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**НУРМАТОВ ОРИФЖОН ТОЛИБЖАНОВИЧ**

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА  
НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**08.00.08- Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Iqt440 билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия Академиясида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исманов Иброҳим Набиевич**

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Аҳмеджанов Каримжон Бакиджанович**

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Давлетов Икрам Раҳимберганович**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етақчи ташкилот:**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй,

Тел.: (+99871) 234-53-34 факс: (+99871) 234-11-48, e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй, Тел.: (+99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.Э. Ташмурадова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**С.У. Меҳмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ж.И. Каримқулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё мамлакатларида илмий-техник салоҳият юқори суръатларда ривожланаётган бир даврда мазкур илмий-техник салоҳиятнинг таркибий қисми ҳисобланган номоддий активларни ишлаб чиқариш, хизматлар соҳасига жорий этиш даражаси ўсиб бормоқда. Мамлакатларда инновацион фаолиятни баҳоловчи муҳим кўрсаткичлардан бири инновацияларга сарфланаётган маблағларнинг мамлакат яши ички маҳсулот қийматига нисбатидир. «McKinsey» глобал институтини 2017 йил яқунлари бўйича инновацияларни жорий этиш юзасидан берган ҳисоботига кўра «инновацияларга қилинаётган харажатларни ЯИМга нисбати Россияда 2,2 фоизни, Хитойда 12,7 фоизни, АҚШда 21,7 фоизни, ривожланаётган давлатлардан Хиндистонда 3,3 фоизни, Бразилияда 2,8 фоизни ташкил этган».<sup>1</sup> Бу кўрсаткич Ўзбекистонда 0,2 фоизни ташкил этмоқда. Мазкур соҳада Швецария, АҚШ, Исроил давлатлари етакчилик қилмоқдалар. Юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш негизда номоддий активлар алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатларида иқтисодиётнинг инновацион ривожлантиришда номоддий активлар ҳисоби ва аудитининг назарий ҳамда услубий асосларини такомиллаштириш йўналишидаги илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур изланишлар натижасида номоддий активларни таснифлаш, уларни тан олиш, баҳолаш, ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, молиявий ҳисоботларда акс эттириш орқали фойдаланувчилар учун ахборот имкониятларини кенгайтириш, ҳамда уларни аудитини ўтказиш услубиёти масалалари такомиллаштирилган. Лекин дунё мамлакатларида номоддий активлардан фойдаланиш даражаси турлича бўлганлиги сабабли уларни молиявий ҳисоби ва аудитида халқаро миқёсда эришилган натижаларни жорий этишда бир қатор муаммолар юзага келмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган шароитларни яратиш, интеллектуал мулкнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур чора-тадбирларга «Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш соҳасида илғор ғоялар, «смарт» технологиялар ва ноу-хауларга асосланган инновацион тараққиётнинг янги моделига босқичма-босқич ўтиш, иқтисодиётга инновациялар ва янги технологиялар жорий этишни рағбатлантирувчи механизмлар ишлаб чиқиш, 2023 йилнинг 1 январига қадар венчур фондлар, юқори технологик стартап-лойиҳалар, илмий-тадқиқот муассасалари, инновация марказлари ва лойиҳа-конструкторлик бюроларига ўзларининг янги технологияларини

---

<sup>1</sup>[https://www.mckinsey.com/Innovations-in-Russia\\_web\\_lq-1.ashx](https://www.mckinsey.com/Innovations-in-Russia_web_lq-1.ashx). Глобальный институт McKinsey (MGI); IHS Markit Comparative Industry 2018.

тадбиркорларга сотиш (фойдаланиш учун тақдим этиш)дан тушган даромадлари бўйича солиқ имтиёзлари тақдим этиш»<sup>2</sup> киради. Бу ўз навбатида хўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқариш ва бошқарувга инновацияларни, инсон ақлий меҳнати маҳсули бўлган интеллектуал мулк объектларини умуман олганда номоддий активларни кенг жалб этиш ҳамда жорий қилинишини рағбатлантирлаётганлиги мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохатларнинг асосий йўналишлари мазмун- мақсадида ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сонли «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сонли «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устивор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Номоддий активлар ҳисоби ҳамда аудитига оид муаммолар хорижий олимлардан Э.Брукинг, Томас А Стюарт, Д.Андриссен, Р.Тиссен, Э.Арене, Ф.Котлер, М.Бернард, Ш.Бред, Р.Каплан, Д.Левин, Д.Нортон, М.Полани, А.Полтарак, П.Лернер, К.Петер, Ф.Риккери, Т.Ричард, К.Свейби<sup>3</sup> ва бошқалар ўзларини илмий асарларида

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони.

<sup>3</sup>Брукинг Э. Интеллектуальный капитал./пер. С англ. Под.ред. Л.Н.Ковалик. – СПб.: Питер,2001. С-256., Томас А Стюарт. Интеллектуальный капитал. Новый источник богатства организации./Пер. С англ. В.Ноздриной. –М.: Поколение,2007.- 368 с., Andriessen D., Tissen R. Weightless Wealth: Find Your Real Value in a Future of Intangible Assets. Financial Times Prentice Hall, 2000., Ф.Котлер. Маркетинг менеджмент. Питер. СПб 2010., Bernard Marr. Perspectives on Intellectual Capital. Elsevier Butterworth Heinemann, 2005., Brad Sherman The making of modern intellectual property law: the British experience, 1999. 1760-1911.Cambridge University Press. P.207. ISBN 978-0-521-56363-5., Р.С.Каплан. Сбалансированная система показателей. От стратегии к действию. Пер. с англ.-М. ЗАО Олимп-бизнес. 2003.-304 ст., Levine David: Michele Boldrin (2008-09-07). Against intellectual monopoly(PDF). Cambridge University Press. ISBN 978-0-521-87928-6. Alexander Poltorak, Paul Lerner (2002). Essentias of intellectual Capital and methodology for auditing. It/17 Annual National Business Confrence, McMaster University, Hamilton, Ontario, Canada. Jan. 24-26., Peter K. (2007). Intellektual

интеллектуал мулк ва номоддий активларни интеллектуал капитални таркибий қисми сифатида уларни ҳисобга олиш ва таҳлилини амалга ошириш тамойилларини ҳамда баҳолаш методологияси жиҳатларини назарий асосларини тадқиқ этганлар. Р.П.Булыга, А.Д. Шеремет, М.И.Баканов, В.С.Ржаницына, С.Б.Мармыш, Ю.А.Клеткина, Е.С.Селиверстова, Н.А.Трофимова, Л.В.Бабичева, Т.О.Графова, Ю.О.Быстрова, Е.А.Синицина<sup>4</sup> каби олимлар асарларида номоддий активларни келиб чиқиш тарихи, иқтисодий моҳияти, уларнинг турлари ва шакллари, мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни, бренд товар белгилари юзасидан франчайз шартномаларини маркетингда тутган ўрни, франчайзинг объектларини баҳолаш методларини ишлаб чиқиш, ва такомиллаштириш бўйича, интеллектуал мулкни номоддий активлар объекти эканлиги, улар бўйича содир бўладиган жараёнларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш масалалари тадқиқ этилган. Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Д.Қ.Қудбиев, М.К.Пардаев, И.Н.Исманов, Р.Дўсмуратов, А.К.Ибрагимов, Н.Ю.Жўраев, А.А.Каримов, З.Т.Маматов, К.Б.Ўразов, З.Н.Қурбанов, Б.А.Хасанов, Ш.И.Илхамов, Н.Ф.Каримов, С.У.Мехмонов, И.Н.Қўзиёв, М.Э.Пўлатов, К.Р.Хотамов, Н.К.Ризаев, И.Р.Давлетов ва бошқалар<sup>5</sup> илмий

---

Property and Information Wealth: Copyright and related rights. Greenwood Publishing Group. p. 346. ISBN 978-0-275-98883-8., Ricceri Federica. Intellectual Capital and Knowledge Management: Strategic Management of intellectual property. John Wiley & Sons. Inc. 2002 New York. Richard T. De George, "Intellectual Property Rights" in The Oxford Handbook of Business Ethics, by George G. Brenkert and Tom L. Beauchamp, vol. 1. 1st ed. (England: Oxford University Press) 417., Sveiby K. E. Intellectual Capital and Knowledge Management. 1998.- 213 p.

<sup>4</sup>Булыга Р.П. Методологические проблемы учёта, анализа и аудита интеллектуального капитала. Автореферат диссертации д.э.н. Москва: - 2005г., Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. М. Финансы и статистика. 2007г., Синицина Е.А. Учет и аудит операции нематериальными активами. Автореферат диссертации на к.э.н., 2007г., Ржаницына В.С. Бухгалтерский учет нематериальных активов. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. 2007г., Мармыш С.Б. Оценка и управление стоимостью интеллектуальных активов промышленного предприятия. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. 2007г., Клеткина Ю.А. Формирование и учет интеллектуальной собственности: на примере организаций химической промышленности. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. 2008 г., Селиверстова Е. С. Бухгалтерский учет и оценка нематериальных активов при принятии инвестиционных решений. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. 2009г., Трофимова Н. А. Бухгалтерский учет нематериальных активов на предприятиях машиностроения. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. 2009г., Бабичева Л. В. Учет интеллектуального капитала. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. 2012 г., Графова Т. О. Методология комплексного учета интеллектуального капитала. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. 2012 г., Быстрова Ю.О. Учет и оценка интеллектуального капитала в условиях становления постиндустриальной учетной системы. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. 2014 г., Горбунов А.А, Мамонтов К.В. Маркетинговая концепция продвижения франшиз брендовых товаров. 2016.- СПб.: Астерион, – 164 с., Борейко Н.А. Бухгалтерский учет и анализ эффективности франчайзинговых операций в системе управления интеллектуальной собственностью. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. -Минск.: 2016 г.

<sup>5</sup>Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик.-Т.:ЎМЭ, 2003.612 б., Ибрагимов А.К. Банкларда бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари. –Т.: Молия, 2016.-370 б., Исманов И.Н. Узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. Тошкент 2009 й., Каримов А. Ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик.-Т.:2004 й. 592 б., Мехмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. (Dsc) илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати.-Т.: 2018., Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. –Т.: “Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси” 1999.-368 б., Қурбанов З.Н. Солиқлар ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари. И.ф.д. илмий

изланишлар олиб борганлар. Бевосита номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича Н.К.Ризаевнинг номзодлик диссертацияси<sup>6</sup>да автомобилсозлик корхоналари номоддий активлари ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш масалалари, докторлик диссертациясида интеллектуал мулк объектлари ҳисоби ва таҳлилининг методологияси<sup>7</sup>, М.Пўлатовнинг номзодлик диссертациясида номоддий активлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш масалалари<sup>8</sup>, докторлик диссертациясида эса инсон капитали ва уни баҳолаш масалалари<sup>9</sup>, И.Н.Исмановнинг докторлик диссертациясининг баъзи параграфларида номоддий активлар ҳисоби ва аудитини ўтказишнинг услубий масалалари<sup>10</sup>, И.Давлетовнинг тадқиқотларида аграр соҳада интеллектуал мулк объектлари ҳисоби ва аудити масалалари<sup>11</sup> тадқиқ қилинган. Тадқиқот олиб бориш жараёнида охириги ўн йил ичида интеллектуал мулк объектлари ва номоддий активлар ҳисобини, аудитини ва таҳлилини такомиллаштириш масалалари бўйича мамлакатимиз ва МДҲ давлатлари олимлари томонидан ўндан ортиқ илмий изланишлар олиб борилганига амин бўлдик.

Бироқ юқорида қайд этилган иқтисодчи олимларнинг олиб борган илмий тадқиқот ишларида номоддий активлар, хусусан товар белгилари, франчайзлар, лицензиялар ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларини молиявий ҳисобининг алоҳида жиҳатлари ҳамда аудитига оид муаммолар ўз аксини топмаган, номоддий активларни баҳолаш усуллари, уларни кадрсизланиши тўлиқ ёритилмаган, номоддий активлар билан боғлиқ жараёнларни солиққа тортиш масалалари ўрганилмаган. Юқоридагиларга

---

даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати –Т.: БМА, 2008., Хасанов Б.А. Амалий бошқарув ҳисоби. –Т.: 2013.-304 б., Уразов К.Б. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобини концептуал масалалари. Монография.-Т.: Фан. 2005. 236 б., Қўзиев И.Н. Иқтисодий модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Т.: 2017., Илхамов Ш.И. Инвестиция фаолиятида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати.-Т.:БМА.2005. 24 б., Пўлатов М. Номоддий активларнинг ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. Тошкент 2006 й., Пўлатов М. Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш.. И.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент 2018 й., Ризаев Н.К. Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлилини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент 2004 й., Ризаев Н.К. Интеллектуал мулк объектлари ҳисоби ва таҳлилини ташкил этиш методологияси. И.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент 2019 й., И.Давлетов. Аграр соҳада интеллектуал мулк объектлари ҳисоби ва аудити масалалари. (PcD) диссертацияси автореферати. Тошкент. 2018 й.

<sup>6</sup>Ризаев Н.К. Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлилини такомиллаштириш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. Тошкент 2004 й.

<sup>7</sup>Ризаев Н.К. Интеллектуал мулк объектлари ҳисоби ва таҳлилини ташкил этиш методологияси. И.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. Тошкент 2019 й.

<sup>8</sup>Пўлатов М. Номоддий активларнинг ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. Тошкент 2006 й.

<sup>9</sup>Пўлатов М. Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш.. И.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. Тошкент 2018 й.

<sup>10</sup>Исманов И.Н. Узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши.Тошкент 2009 й.

<sup>11</sup>Давлетов И. Аграр соҳада интеллектуал мулк объектлари ҳисоби ва аудити масалалари. Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PcD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент. 2018 й.



асосланган ҳолда ушбу мавзу танланди ва бу борада кенг кўламда махсус илмий тадқиқот ишларини олиб боришга зарурият туғилди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси «Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланиши шароитида банк-молия, солиқ ва инвестиция фаолиятини модернизациялаш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ равишда бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади,** номоддий активлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

халқаро тажрибалар ва молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари асосида номоддий активлар ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини капиталлаштириш жараёнлари услубиятини ишлаб чиқиш;

корхоналарда номоддий активлар ҳисобини юритишда улар ҳақидаги маълумотларни объективлигини таъминлашга хизмат қиладиган аналитик ҳисоб регистрлари намунавий шаклини ишлаб чиқиш;

номоддий активлар аудитини аудитни халқаро андозалари талаби бўйича ўтказишда қўл келадиган номоддий активлар аудити режаси ва дастури намунавий шакллари ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш бўйича илмий тавсиялар бериш;

номоддий активлар аудитини халқаро андозалар асосида ташкил этиш, унинг услубиятини такомиллаштиришга қаратилган ва номоддий активлар аудитини ўтказишда фойдаланиладиган аудитор ишчиҳужжатлари намунавий шаклини ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллаш бўйича илмий-амалий тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларда номоддий активлар ҳисоби билан боғлиқ жараёнлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб корхоналар номоддий активлар ҳисоби ва аудити жарёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тизимли ёндашиш, гуруҳлаш, таққослаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини капиталлаштириш жараёнида қопланмайдиган солиқ ва мажбурий тўловларни актив сифатида тан олиш мезони кўшимча 0831–«Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини харид қилиш», 6450– «Бонуслар бўйича бюджетга қарздорлик» ва

6991—«Молиявий таклиф бўйича қарздорлик» ишчи счётларни киритиш асосида такомиллаштирилган;

номоддий активлар ҳисобини юритишда фойдаланиладиган бухгалтерия ҳисобининг аналитик ҳисоб регистрининг намунавий шакли қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш маълумотини киритиш асосида такомиллаштирилган;

номоддий активларнинг аудиторлик текширувини халқаро стандартлар асосида ташкил этишда қўлланиладиган аудитнинг умумий режаси ва дастурининг намунавий шаклига аудиторлик тадбирлари рўйхати, олиб бориладиган аудиторлик муолажалари ёхуд хато камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини киритиш таклиф этилган;

аудитнинг халқаро стандартлари асосида номоддий активлар аудитини ўтказишда ишончли аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини шакллантириш учун аудиторлик далиллари асоси – ҳужжатлаштириш бўйича аудитор иш ҳужжатларининг намунавий шакллари такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қазилма бойликлар ва табиий ресурслардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда конлардан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш жараёнларини бухгалтерия ҳисоби услубиятини ишлаб чиқилиши натижасида номоддий активларни таркибий тури бўлган табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини капиталлаштиришни оптимал вариантига эришилди;

номоддий активлар ҳисобини ташкил этиш ва юритишда фойдаланиш учун НМА-1 намунавий шаклидаги «Номоддий активларни ҳисобга олиш варақаси» аналитик ҳисоб регистри ишлаб чиқилиши натижасида номоддий активларнинг ҳар бир тури бўйича аналитик маълумотни тўлиқ олиш имконияти пайдо бўлди;

аудитнинг халқаро стандартлари асосида тайёрланган номоддий активлар аудитининг режаси ва дастурининг намунавий шаклида аудиторлик тадбирлари рўйхати аниқ кўрсатилган, улар бўйича олиб бориладиган аудиторлик муолажалари ёхуд хато камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари йўналиши белгиланди;

номоддий активлар аудитини ҳужжатлаштиришни Аудитни Халқаро Стандартлари асосида амалга ошириш йўналишида аудиторнинг ишҳужжатларини намунавий шакллари ишлаб чиқилиши ва улар асосида аудиторлик ташкилотлари томонидан бериладиган аудиторлик ҳисоботлари ҳамда хулосаларининг сифати ошиб, ахборотни очиб бериш имконияти яхшиланди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларни таниқли хорижий ва мамлакатимиздаги иқтисодчи олимларнинг номоддий активларни тан олиш, баҳолаш, ҳисобга олиш ва аудиторлик текширувидан ўтказиш хусусидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий, танқидий таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ҳамда умумлаштириш, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг

статистик маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотларга асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан хўжалик юритувчи субъектларда, хусусан табиий ресурслар(қазилма бойликлар)дан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда лицензияларни, франчайзинг шартномаси асосида олинган номоддий активларни тан олиш, уларни баҳолаш, номоддий активлар ва уларни турлари бўйича бухгалтерия ҳисоби ва аудитини ташкил этиш ҳамда олиб боришда мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар дастурларининг ишлаб чиқилишида кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан барча мулкчилик шаклидаги турли тармоқ корхоналарида номоддий активлар бухгалтерия ҳисоби, ички назоратини ташкил қилишни такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида талабаларга таълим беришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Иқтисодийetni модернизациялаш жараёнларида номоддий активлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш борасида олинган илмий натижалар асосида:

табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини капиталлаштириш жараёнларини ҳисобга олиш услубиятига оид тавсиялардан «Кварц» АЖда ҳисоб сиёсатини шакллантиришда фойдаланилган («Кварц» АЖнинг 2019 йил 7 майдаги 01-17/696-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия олишда тўланадиган давлат божлари, қопланмайдиган солиқлар таркибига кирадиган тижоратбоп топилма бонуси ва молиявий таклиф суммаларининг номоддий актив қийматига киритилиши ва ҳисобда бу табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи сифатида тан олинishi натижасида ҳисоб маълумотлари ва ахборотларининг объективлиги таъминланган;

номоддий активлар ҳисобини юритишда фойдаланиладиган аналитик ҳисоб регстрининг намунавий шакли бўйича таклифдан «Кварц» АЖ корхонасида номоддий активлар ҳисобини ташкил этиш ва юритишда фойдаланилган («Кварц» АЖнинг 2019 йил 7 майдаги 01-17/696-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида ҳар бир номоддий активнинг бошланғич қиймати, жамғарилган амортизация қиймати, қолдиқ қиймати ва ҳисобга олинган ҚҚС суммалари тўғрисидаги ахборотлар битта ягона ҳужжатда мужассам бўлишига эришилган;

турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларда номоддий активлар аудитини ўтказишда аудитнинг халқаро стандартлари асосида ишлаб чиқилган аудитнинг умумий режаси ва дастурининг намунавий шакли бўйича таклиф республикада фаолият олиб бораётган аудиторлик ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар палатасининг 2019 йил 7 июндаги 89-сон

маълумотномаси). Натижада аудитнинг халқаро стандартлари асосида тайёрланган номоддий активлар аудитининг режаси ва дастурининг намунавий шаклида аудиторлик тадбирлари рўйхати аниқ кўрсатилган, улар бўйича олиб бориладиган аудиторлик муолажалари ёхуд хато камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари йўналиши белгиланган;

номоддий активлар аудитини хужжатлаштиришни аудитнинг халқаро стандартлари асосида амалга ошириш йўналишида ишлаб чиқилган аудитор иш хужжатларини намунавий шаклларида республикада фаолият олиб бораётган аудиторлик ташкилотларида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар палатасининг 2019 йил 7 июндаги 89-сон маълумотномаси). Мазкур иш хужжатларидан фойдаланиш натижасида аудиторлик ташкилотлари томонидан бериладиган аудиторлик ҳисоботлари ва хулосалари сифати ошиб, ахборотни очиб бериш имконияти яхшиланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та, жумладан 2 та республика, 2 та халқаро илмий-амалий конференцияда маъруза қилинган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация ишининг асосий мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш эълон қилинган. Жумладан 1 та илмий монография, миллий журналларда 3 та, хорижий журналларда 5 та илмий мақола, илмий-амалий конференция тўпламларида эса 9 та маъруза тезислари нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 145 бетни ташкил этди.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги кўрсатилган, мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Номоддий активлар бухгалтерия ҳисобининг назарий ва меъерий-ҳуқуқий асослари**» деб номланган биринчи бобда дунё мамлакатлари иқтисодиётини глобаллашуви шароитида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда инновацияларни кенг жорий этиш, номоддий активларни юқори қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ўрни ва аҳамияти очиб берилган. Шунингдек дунё мамлакатларидаги йирик компаниялар қийматида ва мамлакатимиздаги айрим йирик корхоналар қийматида номоддий активлар қийматини тутган ўрнига баҳо берилган, тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб натижалар ва хулосалар баён қилинган.

### 1-жадвал

#### Етакчи хорижий компанияларнинг номоддий активлари қиймати тўғрисидаги маълумот. (млрд.доллар)<sup>12</sup>

№	Компания номлари	Корхона қиймати	НМАлар қиймати	НМАлар улуши (%)
1	Verizon communications inv	123	49,2	40%
2	General electric co	87	20,01	23%
3	Bank of america corp	72	15,84	22%
4	Procter&gamble co/the	68	18,36	27%
5	Medronic plc	67	34,84	52%
6	Volkswagen ag	66	57,42	87%
7	Deutsche tekekom ag-reg	64	28,16	44%
8	Nestle sa-reg	53	11,13	21%

1-жадвал маълумотларидан хорижий компаниялар қийматида номоддий активлар улуши 21-40 фоизни ташкил этаётганини кўришимиз мумкин. Навбатдаги жадвалда эса мамлакатимизда фаолият юритаётган айрим йирик корхоналарнинг узок муддатли активлари қиймати таркибида номоддий активлар улушини жуда ҳам озлигини кўриш мумкин.(2-жадвал)

<sup>12</sup>[https://www.marketing.spb.ru/mr/business/Global\\_Intangible\\_Financial\\_Tracker.htm](https://www.marketing.spb.ru/mr/business/Global_Intangible_Financial_Tracker.htm), “Global Intangible Finance Tracker 2017” маълумоти.

**Мамлакатимиз йирик корхоналарида номоддий активларни узоқ  
муддатли активларга нисбатан улуши.<sup>13</sup>**

Корхоналар номи	2016			2017			2018		
	Жами активлар қиймати	НМАлар қиймати	% да улуш	Жами активлар қиймати	НМАлар қиймати	% да улуш	Жами активлар қиймати	НМАлар қиймати	% да улуш
ФарғонаАзот	503169162	14798285	2,94	622501389	13129436	2,1	887856236	11304934	1,27
Кварц	96346782	165190	0,17	135519540	126801	0,09	198244006	61882	0,03
Қувасойцемент	125136786	419572	0,33	132571700	419075	0,31	144540914	419075	0,28

Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасидан олинган маълумотга кўра мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат корхоналарида мавжуд номоддий активларнинг бошланғич ва қолдиқ қийматлари 2017 йил ҳолатига АҚШ долларларида ҳисобланганда тахминан мос равишда 243,2 млн. ва 165 млн. долларни ташкил этган. (3-жадвал)

**Ўзбекистон Республикасидаги тижорат корхоналарининг номоддий  
активлари қиймати, млн. сўм(млн.АҚШ доллари)<sup>14</sup>**

Номоддий активлар қиймати		2014	2015	2016	2017
1	Бошланғич қиймати	648909,3 (295)	693959,2 (237)	882007,9 (252)	1021656,3 (243,2)
2	Амортизацияланган қиймати	241057,1 (109,6)	243367,3 (86,9)	286054,4 (81,7)	328505,9 (78,2)
3	Қолдиқ қиймат	407852,2 (185,4)	450591,9 (150,1)	595953,5 (170,3)	693150,4 (165)

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Ўзбекистонда корхоналар фаолиятида номоддий активлар туркумига кирувчи интеллектуал мулк объектларидан кам ёки паст даражада фойдаланилмоқда. Шунини қайд этиш лозимки, ишлаб чиқаришга, умуман олганда иқтисодий ёрдам барча тармоқ ва соҳаларига давлат сиёсати даражасида инновацияларни изчил жорий этиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар яқин келажакда Ўзбекистонда фаолият юритаётган корхоналар қийматида номоддий активлар қийматини оширишга хизмат қилади. Республикада илмий-тадқиқот ишларини, уларнинг натижасини жорий этилишини кучайтириш муҳим вазифалардан бири эканлиги ҳақида Президент Ш.Мирзиёев қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эди: «*Ҳар бир ишлаб чиқариш, тажриба-ишлаб чиқариш ва инновация марказлари бўлиши мақсадга мувофиқдир. Биз мамлакатимизда инвестицияларни фақатгина иқтисодий тармоқларига эмас, балки илмий ишланмалар «ноу-хау»лар соҳасига ҳам кенг жалб қилишимиз керак.*»<sup>15</sup>

<sup>13</sup>Корхоналар молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>14</sup> Давлат статистика қўмитаси маълумотномаси асосида муаллиф ишланмаси

<sup>15</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси. 2018 йил 28 декабр. <http://xs.uz/uzkr>

Ҳар бир мамлакат тараққиётида интеллектуал салоҳият алоҳида ўрин тутгани боис интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш ва уни ривожлантириш муҳим аҳамиятга молик масалалардан бири саналади. Бугун дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, нафақат иқтисодиёт, балки бошқа соҳалардаги тараққиёт ҳам кўп жиҳатдан интеллектуал мулк билан бевосита боғлиқ. Ривожланган давлатлар табиий ресурслари туфайли эмас, биринчи навбатда, интеллектуал бойликка таянган ҳолда, яъни, инновацион ғоялар, ихтиролар, илмий ва дастурий ишланмаларни амалиётга изчил татбиқ этиш орқали юксак натижаларга эришгани ортқча изоҳ талаб этмайди.

Мамлакатимизда интеллектуал мулк объектлари бўйича ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи давлат органи Интеллектуал мулк агентлигидир. Интеллектуал мулк объектлари бўйича патент ёки гувоҳнома олиш масаласида барча юридик ва жисмоний шахслар мазкур ташкилотга мурожат қилади. Қуйидаги жадвалда Интеллектуал мулк агентлигига интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун топширилган талабномалар тўғрисида маълумотлар берилган.

#### 4-жадвал

#### Интеллектуал мулк агентлигига қабул қилинган талабномалар<sup>16</sup>

ИМО	2017 йил	2018 йил	1.09.2019
Ихтиролар	553	649	151
Фойдали модель	146	206	64
Саноат намунаси	232	269	58
Товар белгиси	2758	1835	515
Селекция ютуқлари	38	50	27
ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаси	858	851	621
<b>Жами</b>	<b>4585</b>	<b>3860</b>	<b>1436</b>

Интеллектуал мулк агентлиги томонидан қабул қилинган талабномалар муайян вақт давомида махсус экспертизадан ўтказилади ва экспертизадан ўтказиш жараёнида мазкур интеллектуал мулк бўйича бошқа шахсларда эгалик ёки мулк ҳуқуқи мавжуд бўлмаса белгиланган тартибда патент ёки гувоҳнома берилади.(5-жадвал)

#### 5-жадвал

#### Агентлик рўйхатидан ўтказилган интеллектуал мулк объектлари<sup>17</sup>

ИМО	2017 йил	2018 йил	1.09.2019
Ихтиролар	201	218	82
Фойдали модель	103	82	27
Саноат намунаси	123	174	70
Товар белгиси	2263	1972	2
Селекция ютуқлари	38	49	27
ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаси	858	1093	625
<b>Жами</b>	<b>3586</b>	<b>3588</b>	<b>833</b>

<sup>16</sup>Интеллектуал мулк агентлиги расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>17</sup>Интеллектуал мулк агентлиги расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Барча интеллектуал фаолият натижалари ҳам интеллектуал мулк сифатида баҳоланмаслиги мумкин. Бунда уларнинг иқтисодий жиҳатдан нафлилиги, санъат соҳасидаги бадиий қиймати алоҳида аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан олиб қараганда улар иқтисодий наф ва даромад олиб келиши ёки юқори даражадаги санъат асари бўлиши мумкинлиги эҳтимоли мавжуд бўлганда уларнинг муаллифлари мазкур интеллектуал фаолият натижаларини мулк сифатида рўйхатдан ўтказишади. Шунинг учун интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш ва уларни бошқариш, улардан фойдаланишни тартибга солиш муҳим вазифадир.

Мулк ҳуқуқи эътироф этилган, рўйхатдан ўтказилган интеллектуал мулк объектларини барчаси ҳам номоддий актив бўла олмайди. Бунга яратилган ихтиро ёки кашфиётларнинг, умуман инсон ақли-заковати томонидан яратилган ақлий меҳнат натижаларини етарли иқтисодий нафга эга эмаслиги, санъат ёки бадиий қийматини пастлиги сабаб бўлади. Айрим ҳолларда эса тегишли тартибда ҳуқуқий муҳофазаси таъминланмаслиги, яъни унга мулкчилик муносабатларини шакллантирилмаслиги натижасида улар интеллектуал мулк сифатида ҳам тан олинмай қолиши мумкин.

Шу боис интеллектуал мулк тўғрисида такомиллашган таъриф шакллантирилди: “Интеллектуал мулк – бу инсоннинг ақлий меҳнати натижасида яратилган билимнинг тегишли ваколатли ташкилотлар томонидан маълум бир шахсга тегишлилигини эътироф этилишидир”.

Шахсга тегишлилиги нуқтаи назаридан интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш ва уларни бошқариш, улардан фойдаланишни тартибга солиш муҳим вазифадир.

Кўплаб иқтисодий адабиётлар, дарсликлар ва тадқиқотчи олимларни илмий ишларида номоддий активлар учта гуруҳга ажратилади. Булар, интеллектуал мулк, гудвил ва бошқа номоддий активлар. Тадқиқотлар ва меъёрий ҳужжатларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, номоддий активларни шартли равишда тўртта гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ. Булар:

интеллектуал мулк;

франчайзлар;

гудвилл;

бошқа номоддий активлар.

Айрим ҳолларда франчайзларни интеллектуал мулклар гуруҳига киритилади. Лекин, одатда франчайзларни ўзи ичига бир қанча интеллектуал мулк объектлари бўлган номоддий активларни қамраб олиши мумкин.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида номоддий активлар таркибида турадиган франчайзлар ҳақида иқтисодий адабиётларда етарли даражада маълумот берилмаганлигига баҳо берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси миллий энциклопедиясида ҳам франчайз ҳақида умуман маълумот берилмаган. Шуни инобатга олган ҳолда франчайз атамасини қуйидаги такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди:

**«Франчайз - интеллектуал мулк объектлари бўлган товар маркаси, ноу-хау, савдо белгиси, рецепт ва шунга ўхшаш номоддий активларни**



**маълум бир даврга (камида бир йил) роялти (фойда ёки айланмадан ажратма) тўлаш шарти билан олдиндан маълум бир ҳақ тўлаш (паушаль тўлов) эвазига сотиб олинган номоддий активдир».**

Номоддий активлар таркибини тадқиқ қилиш жараёнида шунга амин бўлиндики, номоддий активларнинг аксарият қисмини интеллектуал мулк объектлари ташкил этади. Қайд этиб ўтиш лозимки интеллектуал мулк объектларини барчаси ҳам номоддий актив бўла олмайди. Чунки корхоналар иқтисодий фаолияти давомида ишлаб чиқариш сирлари(ноу-хау), саноат намуналари, маҳсулот рецептлари, товар ёки савдо белгилари ва бошқа шу каби интеллектуал мулк объектларини капиталлаштириб улардан иқтисодий наф оладилар. Бошқа интеллектуал мулк объектлари бўлган бадий асарлар, сценарийлар, суратлар, ижро этилган кўшиқлар ва шу қабилар корхоналар фаолиятида ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажаришда фойдаланмаслиги сабабли улар номоддий актив сифатида тан олинмайди.

**«Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш»** деб номланган иккинчи бобда турли мулкчилик шаклидаги ва тармоқлардаги корхоналарда номоддий активлар ҳисобини ташкил этиш ҳамда юритишнинг такомиллаштириш масалалари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Тадқиқотда товар белгиларини корхона фаолиятида тутган ўрни, уларни яратилиши билан боғлиқ жараёнларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш масалалари очиб берилди.

21-сон «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»<sup>18</sup> БҲМСга асосан таъсисчилар томонидан корхонанинг устав капиталига уларнинг улуши ҳисобига киритилган товар белгисини кирим қилиш 0420 - «Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари» счётнинг дебетида ва 4610-«Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счётнинг кредитида акс эттирилади.

Тадқиқот натижаларига кўра бу хўжалик жараёнини ҳам 0830-«Номоддий активларни харид қилиш» счёти орқали кирим қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки таъсисчилардан келиб тушган товар белгиси белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиб, гувоҳнома олиниши зарур. Бунинг учун давлат божи тўланади. Агар корхона бу жараёнларни 21-сон «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» БҲМС бўйича счётларда акс эттирилса, товар белгисининг бошланғич қийматига давлат божига тўланган харажатлар ўз аксини топмасдан қолади. Тадқиқотлар натижаси сифатида ушбу жараённи қуйидагича акс эттириш таклиф қилинди.(6-жадвал)

---

<sup>18</sup>Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти. 21-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» БҲМС. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сон буйруғи билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган.

**Товар белгисининг бошланғич қийматини счётларда тўлиқ акс  
эйтириш<sup>19</sup>**

№	Жараёнлар	дебет	кредит	Сумма
1	Таъсисчиларнинг устав капиталига улуши суммаси тасдиқланди	4610	8330	4 000 000
2	Таъсисчилардан товар белгилари улуш сифатида келиб тушди	0830	4610	4 000 000
3	Корхона томонидан товар белгисини мутлоқ мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун давлат божи ҳисобга олинди	0830	6410	500 000
4	Ҳисобланган давлат божи тўланди	6410	5110	500 000
5	Товар белгиси бошланғич қийматда кирим қилинди	0420	0830	4 500 000

Таклиф қилинган мазкур тартиб, товар белгисининг бошланғич қийматини счётларда тўлиқ акс этиради ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларини аниқлигини таъминлайди.

Халқаро меъёрларга мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар муайян асар ёки ишланмадан фақат ушбу интеллектуал мулк эгаси билан тузилган шартномага биноан ёки тегишли рухсатнома мавжуд бўлгандагина фойдаланиши мумкин. Хозирги кунда бошқа шахсга тегишли номоддий активлардан, хусусан интеллектуал мулк объектларидан вақтинча ёки умрбод фойдаланишни тартибга солиш франчайз шартномалари асосида олиб борилади.

Франчайз ёки франшиза – бизнес юритишнинг бир тури бўлиб, бизнесга тикилган харажатларнинг тез қопланиши ва даромадлилиги билан ахамиятли. Бугунги кунда бу кўринишдаги бизнесни йўлга қўйишнинг ахамиятли томони шундан иборатки, тадбиркор бозорда катта ўрин ва обрўга эга бренд остида махсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш натижасида, бозорда ўзининг ўрни, мавқеини ҳамда алоҳида мижозларини топиш учун кетадиган маълум бир даврни босиб ўтмасдан, бевосита йирик даромадларга эга бўлиш имконига эга бўлади.

Амалиётда франчайз тўғрисидаги шартномалар асосан интеллектуал мулк объектлари, масалан товар ва савдо белгилари, саноат намуналари, ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау)дан фойдаланиш бўйича тузилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, амалдаги 21-сон «Хўжалик юритувчи субъектлари молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси» номли БҲМС 1-иловасидаги 0400-«Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар» таркибида ва 2-иловаси 41-бандида ҳам 0460-Франчайз счёти келтирилган. Лекин 7-сонли БҲМСнинг 1-параграфи 10-бандида номоддий активларга киритилиши кўзда тутилган объектлар қаторида Франчайз назарда тутилмаган. Бизнингча 7-БҲМСнинг 10-бандига “франчайзлар” атамасини киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки бу иқтисодий атама

<sup>19</sup>Муаллиф ишланмаси.

хозирги кунда жуда долзарб ҳисобланиб, 38-БҲҲСда ҳам ўз ифодасини топган.

21-сон БҲМСда эса бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фойдаланишга олинган номоддий активлар ҳисобини балансдан ташқари счётларда юритилиши таъкидланган. Натижада номувофиқлик юзага келиб, корхона актив сифатида тан олиши лозим бўлган мулкни балансга кирита олмаслик ҳолати юзага келади. Шунинг учун мазкур стандартнинг амалдаги қоидаларига бошқа хўжалик субъектлардан фойдаланишга олинган номоддий активларнинг шартнома муддатига қараб балансда ва балансдан ташқари счётларда акс эттирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шундан келиб чиқиб, 7-сонли БҲМСнинг 1-параграфи 10-бандига, 8-параграфи 59-бандига ва 21-сонли БҲМСнинг 16-параграфига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақида таклиф берилди. Бу ўзгартиришлар хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш ва юритиш талаби қўйилаётган бир пайтда алоҳида аҳамиятга моликдир. Бу таклифни қуйидаги солиштирма жадвалларда кўриш мумкин.(7,8,9-жадваллар)

7-жадвал

**7-сонли БҲМСнинг 10-банди бўйича берилаётган таклиф<sup>20</sup>**

Амалда	Таклиф қилинаётган лойиҳа
<p>10. Номоддий активларга мазкур БҲМСнинг 6-бандида келтирилган барча шартларга жавоб берувчи қуйидаги объектлар киритилиши мумкин:</p> <p>...ж) табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, яъни ер ости бойликлари, атроф-муҳитдаги бошқа ресурслар, атроф-муҳит тўғрисидаги геологик ва бошқа маълумотлар ва шу кабилардан фойдаланиш ҳуқуқи;</p> <p>з) ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи;</p> <p>и) бошқа номоддий активлар (маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш, иқтисодий ва бошқа имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи ва шу кабилар).</p>	<p>10. Номоддий активларга мазкур БҲМСнинг 6-бандида келтирилган барча шартларга жавоб берувчи қуйидаги объектлар киритилиши мумкин:</p> <p>...ж) табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, яъни ер ости бойликлари, атроф-муҳитдаги бошқа ресурслар, атроф-муҳит тўғрисидаги геологик ва бошқа маълумотлар ва шу кабилардан фойдаланиш ҳуқуқи;</p> <p>з) ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи;</p> <p><b>и) Франчайзлар;</b></p> <p>к) бошқа номоддий активлар (маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш, иқтисодий ва бошқа имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи ва шу кабилар).</p>

7-сонли БҲМСнинг 10-бандига «франчайз» номоддий актив турини киритилиши, 59-бандига тавсия этилаётган хатбошини киритилиши фойдаланишга олинган номоддий активларни балансда акс эттириш масалаларига ойдинлик киритади.

<sup>20</sup>Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси

7-сонли БҲМСнинг 59-банди бўйича берилаётган таклиф<sup>21</sup>

Амалда	Таклиф қилинаётган лойиҳа
59. Фойдаланишга олинган номоддий активлар фойдаланувчи корхона томонидан шартномага киритилган баҳода балансдан ташқари счётада ҳисобга олинади.	59. Тижорат концессия шартномалари билан узоқ муддатга (12 ойдан ортиқ) фойдаланишга олинган номоддий активлар фойдаланувчи корхона томонидан ҳақиқий таннархда, яъни номоддий активдан фойдаланиш учун олдиндан тўланган бир маротабалик паушал тўлов қийматида балансга киритилади. Қисқа муддатга олинган номоддий активлар шартномага киритилган баҳода балансдан ташқари счётада ҳисобга олинади.

7-сонли БҲМСнинг 59-бандига жадвалдаги кўринишда ўзгартириш киритилиши бошқа корхоналардан лицензия шартномаси (франциза) асосида олинган номоддий активларни фойдаланиш муддатига қараб балансда ёки балансдан ташқари счётларда акс эттиришни таъминлайди.

21-сонли БҲМСнинг 451-банди бўйича берилаётган таклиф<sup>22</sup>

Амалда	Таклиф қилинаётган лойиҳа
<b>16-§ Фойдаланиш ҳуқуқи бўйича олинган номоддий активлар (016)</b>	<b>16-§ Қисқа муддатга фойдаланиш ҳуқуқи бўйича олинган номоддий активлар (016)</b>
451. 016 “Фойдаланиш ҳуқуқи бўйича олинган номоддий активлар” счёти хўжалик юритувчи субъект томонидан вақтинчалик фойдаланиш учун олинган номоддий активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган....	451. 016 “Қисқа муддатга фойдаланиш ҳуқуқи бўйича олинган номоддий активлар” счёти хўжалик юритувчи субъект томонидан қисқа муддатга (12 ойдан қисқа) вақтинчалик фойдаланиш учун олинган номоддий активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган....

21-БҲМСнинг 16-параграфи номланишини, шунингдек 016 “Фойдаланиш ҳуқуқи бўйича олинган номоддий активлар” балансдан ташқари счётини номланишини таклиф этилаётган вариантда - 016 “Қисқа муддатга фойдаланиш ҳуқуқи бўйича олинган номоддий активлар” номда берилиши корхона бухгалтерларида номоддий активлар ҳисобини ташкил этиш ва юритишда аниқлик ҳамда қулайликлар яратади.

Номоддий активлар ҳисобини юритиш халқаро амалиётда 38-БҲХС билан, мамлакатимизда эса 7-сонли БҲМС билан амалга оширилади. Халқаро амалиётда фойдали қазилмалар, нефть, табиий газ ва шунга ўхшаш қайта тикланмайдиган ресурсларни қайта ишлаш ва қазиб олиш харажатлари

<sup>21</sup>Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси

<sup>22</sup>Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси

ёки бошқа активларни тан олиш қоидалари ҳамда мезонлари 38-БҲҲСда эмас, 6-МҲҲСда очиб берилиши назарда тутилган.

Лекин мамлакатимизда фойдали қазилмалар, нефть, табиий газ ва шунга ўхшаш қайта тикланмайдиган ресурсларни қайта ишлаш ва қазиб олиш билан боғлиқ харажатларни номоддий актив сифатида тан олиш мезонлари учун алоҳида стандарт мавжуд эмас.

Табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқига доир номоддий активлар ҳисоби Россия давлатининг бухгалтерия ҳисоби қонунчилигида, ПБУ-14/07 "Учет нематериальных активов" стандарти билан, Украина давлатида эса "Положение (стандарт) бухгалтерского учета 8-“Нематериальные активы” меъерийҳужжати билан тартибга солинади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида тармоқ корхоналари учун конлардан фойдаланиш учун олинмайдиган лицензиялар ҳисобини 0410- Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау счётида эмас, счётлар режасидаги 0440- “Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқлари” счётида олиб боришни таклиф этилди. Бу счётдан фойдаланиш тўланган молиявий таклиф ва бонус суммаларини номоддий актив таннархига киритилишини, яъни капиталлаштиришни объективлигини таъминлайди.(10-жадвал)

#### 10-жадвал.

#### Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини олиш жараёнларини бухгалтерия ёзувларида акс эттириш<sup>23</sup>

№	Хўжалик жараёнлари	Сумма (минг сўм)	Дебет	Кредит
1.	Корхона норуда фойдали қазилма конидан фойдаланиш ҳуқуқини кўлга киритиш учун ваколатли органга ариза билан мурожат қилди ва давлат божи тўлади.	202,4	0831	6991
